

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 45-ҳадис

45 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَسِّرُوا وَلَا تَعْسِرُوا وَبَشِّرُوا وَلَا تُنْفِرُوا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, бездирманглар», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Хушхабар бериш, яхши хабар билан кўнгилни кўтариб, хурсанд қилиш иймондандир. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларидан мутасадди бўлган ишларда енгиллик қилишни ва одамларга яхши сўзлар билан хушхабар беришни талаб қилардилар. Одамларга буйруқ беришса, енгиллини буюришни таълим берардилар. Расулуллоҳ с.а.в. ўзларига икки ишдан бирини танлаш ихтиёри берилса, агар гуноҳ бўлмаган, енгиллини танлардилар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Расулуллоҳ с.а.в. хушхабар бериб, инсонларни хурсанд қилишга буюрардилар.
2. Расулуллоҳ с.а.в. қийинлаштирмасликка ва ишларни оғирлаштирмасликка буюрардилар.
3. Расулуллоҳ с.а.в.нинг одатлари- ишларнинг ўртачасини танлардилар.
4. Одамларга енгиллик яратиш орқали уларнинг қалбларини дўст-улфат қилинади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI